

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА МУХАЙЁ УМЕДИЛОВНА**

**ИНГЛИЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ**  
**ТАРКИБИЙ-МАЗМУНИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ТАРЖИМАСИ**  
**(ИНГЛИЗ ТИЛИ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим  
наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

**Саидова Мухайё Умедилоевна**

Адабиётшунослик терминларининг таркибий-мазмуний таҳлили ва таржимаси (инглиз тили материали асосида) ..... 5

**Саидова Мухайё Умедилоевна**

Структурно-содержательный анализ и перевод литературоведческих терминов (на материале английского языка) ..... 21

**Saidova Mukhayyo Umediloevna**

Structural-semantic analysis and translation of the literary terms (on the material of the English language) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА МУХАЙЁ УМЕДИЛОЕВНА**

**ИНГЛИЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ**  
**ТАРКИБИЙ-МАЗМУНИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ТАРЖИМАСИ**  
**(ИНГЛИЗ ТИЛИ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil886 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мирзаев Ибодулло Камолович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Насруллаева Нафиса Зафаровна</b> филология фанлари доктори, доцент <b>Эргашева Гули Исмоил қизи</b> филология фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Термиз давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» август соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz).)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (79 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил «04» август куни тарқатилди.  
(2021 йил «04» август даги 21-011 - рақамли реестр баённомаси).



**Д.С. Ўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**З.И. Расулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**М.М. Жўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида илм-фан тараққиёти туфайли юзага келган ва турли соҳавий контекстларда ўзининг коммуникатив-функционал табиатига эга бўлган лисоний бирликлар – терминларга, уларга алоқадор лексикографик қонуниятлар ва таржима масалаларига эътибор терминология доирасидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтди. Ғарб замонавий тилшунослик ва адабиётшунослик назарий концепцияларини адекват тарзда идрок этиш зарурати инглиз филологияси илмининг салмоқли ярим ҳиссасини ташкил қилган адабиётшунослик терминларининг лисоний мавқеи, интертекстуал ва интердискурсив функционалигини илмий изоҳлаш талабини келтириб чиқарди. Зеро, терминологизация жараёнларини ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик кенгликда кузатиш, уларнинг матнро динамик хусусиятларини дифференциал ва интеграл ёндашув асосида аниқлаш соҳа терминлари моҳиятидаги ички қарама-қаршиликни, инсон мантиғи ва тафаккури билан боғлиқ лисоний концептуаллаштириш ҳодисасини назарий баҳолаш имкониятини яратади.

Дунё терминшунослигида инглиз адабиётшунослик терминларини тартибга солиш, муайян контекстда аниқ тушунчанинг вербал рамзи сифатида намоён бўлишига доир тадқиқотлар бир тил доирасида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур терминларнинг коммуникатив жараёнларда ўсиб бораётган роли, ясаиш механизмлари борасидаги билимларнинг мужмаллиги уларнинг лексикографик, таркибий-мазмуний, таржима контекстида шаклий ва мазмуний талқини каби устувор вазифа ижросини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, терминларга хос бўлган бирламчи номинациялаш тамойилларини кузатишга, уларнинг мотивацион характерини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишга, ғайрилисоний омилларнинг термин лисоний шакли ва лексикографик тақдимотида таъсирини замонавий лингвистик онг доирасида асослашга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг миллий тараққиёт босқичида умумжаҳон ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида ҳам муҳим ислохотларни тақозо этиб, дунё филологик платформасида юқори мавқе эгаллаган инглиз адабиётшунослиги концепциясини терминология чегарасида ўрганишга бўлган эътиборни янада кучайтирди. «... Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш чора-тадбирлари дастури»<sup>1</sup> тилшунослик ва адабиётшунослик кесимида илмий изланишлар сифати ва кўламини кўтариш каби устувор стратегик вазифани белгилаб берди. Шу маънода инглиз адабиётшунослик терминологиясига дахлдор категорияларнинг лингвомаданий моҳиятини, терминографик тамойилларини ва таржима қилиш механизмларини ёритиш миллий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

адабиётшунослигимизни назарий қарашлар, ечимлар билан бойитишга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги № ПФ-5850 “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Терминология масалалари доимо олимлар диққат эътиборида бўлган. Шунинг учун кўплаб тилларнинг, жумладан, инглиз тилининг ҳам терминологик тизими муайян даражада ўрганилган. Инглиз ва бошқа хорижий тилларда<sup>2</sup> ҳамда рус тилшунослигида<sup>3</sup>

---

<sup>2</sup> Felber H. Terminology. Manual, P., 1984; Mikics David. A new handbook of literary terms. New Haven, London: Yale Univ. Press, cop.1984; Pandurangan. M. Literary forms&terms.- Chennai:Nivethita,2004; Rondeau G. Introduction ‘a la terminology, Montreal, 1981; Sue Ellen Wright & Gerhard Budin. Handbook of terminology management. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 2001. – 564 p. Wuster E. Einfuhrung in die allgemeine terminologie lehre und terminologisghe Lexicographie, T1 1 – 2, W. – N.Y., 1979.

<sup>3</sup> Алексеева Л.М. Термин ва метафора. – Пермь, 1998; Борхвальдт О.В. Историческое терминоведение русского языка. – Красноярск, 2000; Будагов Р.А. Терминология и семиотика.//по изд. Вестник МГУ, 1972; Володина М.Н. Национальное и интернациональное в процессе терминологической номинации. – М. 1993; Герд А.С., Нерознак В.П. Проблема формирования научной терминологии. – Л., 1968; Гринев С.В. Введение в терминологическую лексикографию. – М., 1991; Дегтерева И.А. Исследование современного содержания и развития терминов литературоведения на материале английской и русской литературоведческой терминологии. – М., 2002. – 194с; Жуков О.Р. К вопросу о специфике терминов лингвистики и литературоведения (сопоставительный аспект).// Научный диалог. – 2012. - №12. Филология. – с.64-75; Ильин И.П., Цурганова Е.А. Терминология современного зарубежного литературоведения (страны Западной Европы и США). Справочник, вып. 1. – М., 1992; Капандзе Л.А. О понятиях «термин и терминология» //Развитие лексики современного русского языка. - ., 1965; Колесник Н.Г. Диахронический аспект исследования русской литературоведческой терминологии.// Диахроническая социоллингвистика. – М., 1993. – С. 162; Лейчик В.М. Проблемы отечественного терминоведения в конце XX века. //Вопросы филологии (№2(5)). – М., 1999; Ливандовская Л.Л. У истоков стиховедческой терминологии.// Русская речь, 1987, №1. – С.144-118; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961; Марчук Ю.Н. Основы терминографии. – М., 1992; Моисеев А.И. К определению терминов в словарях.//Проблематика определения терминов в словарях разных типов. – М.: Наука, 1976. – С.243-250; Никулина Л.Н. Типология моноксемных терминов. – Дисс.на соиск.уч.ст.кандидата филол.наук. – М., 1983; Палиевская Ю.Д. Терминология английского литературоведения как система. Дисс. на соиск. уч.ст.кандидата филол.наук. – М., 1983; Рождественский Ю.В. О смысловой систематизации терминов. – М., 1972; Прохорова В.Н.,Русская

умумий ва хусусий терминология бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбек тилшунослигида терминология масалалари Н.Т.Ҳотамов, М.Э.Умархўжаев, Ҳ.Дадабоев, И.Х.Садыкова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова, Ҳ.В.Мирзахмедова, С.Т.Мустафаева ва Д.И.Ходжаевалар каби тилшунослар асарларида ўрганилган<sup>4</sup>. И.А.Дегтярева ва Х.А.Джураевнинг диссертацияларида инглиз-рус ва инглиз-тожик адабиётшунослик терминлари қиёслаб ўрганилган. Н.Т.Ҳотамов, Ю.Д.Палиевская, И.Ю.Елисеевалар адабиётшунослик терминларини бир тил доирасида ўрганишган. Юқорида қайд этилган тадқиқотларга жиддийроқ эътибор қилинса, ижтимоий гуманитар соҳа терминлари нисбатан кам ўрганилганлиги кўзга ташланади. Биз тадқиқот объекти қилиб олган адабиётшунослик терминлари эса словян, роман ва герман тилларида нисбатан кам ўрганилганлигини кўрсатади. Шунинг учун фалсафа, маданият ва маънавият, этика, эстетика, дин ва тасаввуф, тилшунослик ва айниқса, адабиётшунослик терминларини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари” мавзуси ва Италиянинг Пиза университети билан ҳамкорликда амалга оширилган Erasmus+ 2016-1-ИТО2-КА107-023568 International Credit Mobility (Халқаро Кредит Мобиллик) халқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз адабиётшунослик терминларининг таркибий-мазмуний асосларини белгилаш, уларнинг ўзбек тилига таржима масалаларини ёритишдан иборат.

---

терминология (лексико-семантическое образование).М., 1988; Татаринов В.А. Теория терминоведения. 3тт. – М., 1996;

<sup>4</sup>Н.Т. Ҳотамов. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в советский период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – М., 1971. – 28 с.; М.Э.Умархўжаев. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – М., 1972. – 25 с.; Ўша муаллиф. Основы фразеологии: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – М., 1981. – 45 с.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1998. – 174 с.; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2000. – 24 с.; Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланган ҳуқуқий терминларнинг лисоний таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 25 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016. – 255 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 44 б.; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур катламлари ва ясаиш усуллари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 45 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари мисолида): Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 53 б.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз адабиётшунослик терминологияси, унга дахлдор категорияларнинг лингвомаданий мазмун-моҳиятини, лексик-семантик хусусиятларини очиб бериш;

ҳозирги инглиз адабиётшунослик терминлари изоҳли луғатларидан бири деб эътироф этилган Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” луғатининг терминографик тамойилларини ўрганиш ва ушбу луғатда қайд этилган адабиётшунослик терминларининг генетик асосларини аниқлаш;

ҳозирги инглиз адабиётшунослиги терминларини мавзуй гуруҳларга ажратиш;

инглиз адабиётшунослик терминларининг таркибини ўрганиш ва уларнинг ясаиш механизмларини кўрсатиб бериш;

илмий таржимага доир манбалар асосида инглиз адабиётшунослик терминларини ўзбек тилига таржима қилиш тамойилларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” луғатида келтирилган инглиз адабиётшунослик терминлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз адабиётшунослик терминларининг мазмуний-таркибий хусусиятлари ва уларни таржимада бериш тамойиллари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда лексикографик, транспозитив, дистрибутив, морфо-семантик, таснифлаш, қиёслаш ва статистик каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

адабиётшунослик терминларининг эстетик ва баҳоловчи ахборот ташиш хусусиятининг, мазмун чегараси ўзгаришининг тилни ишлатувчи миллат маданияти, мафкураси билан шартланганлиги мазкур лисоний бирликларни ўрганишда диахроник (тарихий тараққиёт кесимида) усулнинг устуворлигини белгилаши далилланган;

термин ясаиш жараёнининг коммуникатив ва дериватив характери терминологик бирликнинг матн ривожига доирасида воқеланиши ва матн ҳосил қилиш қонуниятлари билан белгиланиши, мазкур жараён натижаси сифатида терминнинг иккиламчи маҳсулот эканлиги асосланган;

терминларнинг бирмаънолилик ва кўпмаънолилиги, нейтрал ва эмоционаллиги, контекстга боғлиқ ва боғлиқ эмаслигида намоён бўладиган ички қарама-қаршилиқларга уларнинг турли матнлар доирасида контекстуал ва деривацион мазмун касб этиш, турли контекстларда таърифланишга эҳтиёж сезиш ва сезмаслик табиати сабаб бўлиши аниқланган;

терминни адекват таржима қилишнинг бирламчи омилларини матнга хос бўлган интертекстуаллик, контекстуал вазият, шакл ва мазмун мутаносиблиги/номутаносиблиги ҳамда тиллараро структур, систем ва функционал асимметрия, иккиламчи омилларини эса терминларнинг дериватив табиати, динамик характери ташкил этиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms”да берилган 1060 та адабиётшунослик терминлари таснифланган, мавзуй гуруҳ ва таггуруҳларга ажратилган, ясашиш усуллари статистик нуқтаи назардан асосланган;

инглиз адабиётшунослик терминологиясининг шаклланиши, юзага келиш омиллари, тараққиёт босқичлари, таркиби аниқланиб, терминология тизимидаги структур-семантик, шаклий-мазмуний жиҳатлари далилланган;

инглиз адабиётшунослик терминларини ўзбек тилига таржима қилиш усуллари, стратегиялари юзасидан бир қатор назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий тилшунослик ва таржимашунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг лексикографик, транспозитив, дистрибутив, морфо-семантик, таснифлаш, қиёслаш ва статистик таҳлил усуллари орқали далилланганлиги билан белгиланади; назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги кесимида адабиётшунослик терминларининг тузилиши ва талқини ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қилаиши, соҳа терминларини тавсифлаш, ситуатив шароитини белгилаш ҳақидаги билимларни бойитиши ҳамда умумилмий терминологияни ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижалардан олий таълим тизимида терминология, терминография, лексикология, лексикография назарияси фанларидан махсус курс ўтишда, шунингдек, ушбу фанлар бўйича дарслик, қўлланма ва услубий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан инглиз, рус ва ўзбек тилларида ўтказиладиган амалий машғулотларда, курс ва малакавий битирув ҳамда ўқув қўлланма ва магистрлик ишларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз адабиётшунослик терминларининг тадқиқи жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

инглиз адабиётшунослик терминларининг мулоқотда функционаллиги, юзага келиш асослари, динамик характери, ўзгариши, нутқ ва луғатларда қўлланиши, янги маъно турларини касб этиши, фаол ва нофаол ривожланиш босқичлари билан боғлиқ хулосаларадан ОТ-Ф1-18 “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89-03-5456-сон маълумотномаси). Натижада мулоқот жараёнида терминосистемадан фойдаланишга оид янгича қарашлар юзага келган, ҳам инглиз, ҳам ўзбек адабиётшунослик

терминотерминларнинг лексик-семантик, структур-семантик ҳамда прагматик хусусиятларини генетик-этимологик нуқтаи назардан талқин қилиш имкониятини берган;

терминни адекват таржима қилишнинг муҳим омиллари, матнга хос бўлган интертекстуаллик, контекстуал вазият, тиллараро структур, систем ва функционал асимметрия воқеланишига доир хулосалардан ОТ-Ф1-138 “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-5616-сон маълумотномаси). Натижада инглиз адабиётшунослик терминларининг таржима жараёнида шакл ва мазмун мутаносиблиги/номутаносиблигини воқелантириш, таржима тавофутларини келтириб чиқариш хусусиятини, улардаги миллийлик табиати, маданият, тил ва услуб алоқадорлигини тизимли илмий талқин этишга эришилган;

терминологик тизимда синонимиянинг мавжудлиги, терминология тараққиётининг зиддиятли ёки бир текис кечмаганлиги, муаллифнинг термин яратиш ижодкорлиги, терминларни тартибга солиш чора-тадбирлари, қисқартма ва ўзлашма терминлардан фойдаланиш билан боғлиқ хулосалардан Европа Иттифоқи TEMPUS дастурининг QAPD лойиҳаси доирасидаги 516996 –TEMPUS-1-2011-1-GB-TEMPUS-SMGR "Профессионал академик лидерлар тайёрлаш орқали таълим сифатини ошириш" халқаро лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 89-03-676-сон маълумотномаси). Натижада мулоқот жараёнида терминотерминлардан фойдаланишга оид янги қарашлар юзага келган; ўқитувчиларда лингвистик ва коммуникатив қобилиятнинг такомилга эришилган;

терминологиянинг тил тизимидаги ўрни, аҳамияти, хусусан, миллий терминологияни ривожлантиришда бошқа тиллардан кириб келган терминларнинг тилимиздаги муқобилларини ишлатиш билан боғлиқ натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалида “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 03 мартдаги 02\Р-1-19-сон маълумотномаси). Натижада термин тушунчасига аниқлик киритилган бўлиб, эшиттириш жараёнида суҳбатдош билан ўрнатилган диалогик мулоқотда нутқ раволиги, тушунчалар қўлланишининг аниқлиги, жумладан, бадиий тасвир воситаларига хос терминларнинг лингвистик нуқтаи назардан тўғри ишлатилиши ҳамда нутқ маданиятининг шаклланиши борасида тавсиялар шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 18 та, жумладан, 7 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп

этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, улардан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инглиз адабиётшунослик терминларининг мавзуй гуруҳларининг умумий тавсифи”** деб аталган биринчи боби “Термин ва терминология”, “Адабиётшунослик терминларининг айрим хусусиятлари” ҳамда “Инглиз адабиётшунослик луғатлари таснифи хусусида” номли уч фаслдан таркиб топган. Бу фаслларда, асосан, термин ва терминология ҳақидаги фикрлар, адабиётшунослик терминларига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб, XX асрда яратилган бир нечта адабиётшунослик терминлари луғатлари ҳақида мулоҳазалар баён этилган.

Терминология соҳаси ҳам тилшуносликнинг бошқа йўналишлари каби тилда мавжуд бўлган энг долзарб муаммолар билан муносабатда бўлиб уларга турли томонлардан жавоб топишга, ечимини ишлаб чиқишга интиладиган фан соҳаси бўлиб ҳисобланади. Терминологияга бағишланган ишларнинг барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, таърифга эга бўлган ва асосан номинатив функцияни бажарадиган бирикларга терминлар деб қаралади.

Терминлар – илм-фан, техника, санъат, инсон фаолияти бошқа соҳаларининг мутахассислар доирасида кенг қўлланадиган махсус номлардир. Улар ўз навбатида протерминларга, илк терминларга ва терминоидларга бўлинади. Кўпинча термин ва номенклатура тушунчалари ўзаро фарқланмасдан қўлланади. Шунинг учун ушбу ўринда йўл-йўлакай номенклатурага ҳам муносабат билдиришга тўғри келади. Номенклатура (лот. *nomenclatura* “рўйхат”) - илм-фаннинг турдош объектлари номи ҳисобланади. Агар термин умумий тушунчани ифодаласа, номенклатура хусусий тушунчани ифодалайди. Масалан, таълим муассасалари турлари, ўқув дидактик жиҳоз ва шу кабиларнинг номлари номенклатурадир.<sup>5</sup>

Терминология соҳасининг ривожланиши австриялик тилшунос олим Ойген Вюстер номи билан боғлиқ бўлиб, замонавий терминологиянинг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшган олимнинг ишлари сабабли австриялик тилшунос олим терминологининг отаси деб ҳисобланган. Ўзининг докторлик диссертациясида у терминология билан ишлаш

---

5 Dehqonova L., Xudoyqulova Sh. “Terminologiya va davlat tilida ish yuritish asoslari”. Guliston, 2013, 31-32.

услугларини тизимлаштириш бўйича бир қанча далилар келтириб, терминлар билан ишлашнинг бир қатор тамойилларини яратди ва терминларни қайта ишлашнинг методологиясининг асосий қоидаларини белгилаб берди. Унинг фикрига кўра, тўрт нафар тилшунос олим терминологик назариянинг интеллектуал оталари ҳисобланади: “Германиялик олим Альфред Шолман махсус терминларнинг систематик хусусиятини ҳисобга олган биринчи олим; швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр тилнинг систематик хусусиятига эътибор берган биринчи олим; россиялик Эрнест Дрезен стандартлаштиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини биринчилардан бўлиб кашф этган; ЮНЕСКО вакили бўлган инглиз олими Э. Холмсторм терминологияни халқаро миқёсга олиб чиқишда муҳим роль ўйнаган шахс ҳисобланади”.<sup>6</sup>

Бир қатор олимларнинг олиб борган ишлари натижасида терминлар ҳақида бир қанча концепциялар ишлаб чиқилган. Нарса-буюм маъноси ва тушунча маъноси ўртасидаги муносабатни ўрнатишда қуйидаги уч гипотезани инобатга олган ҳолда ишлаш мақсадга мувофиқдир: 1) термин луғавий маънога эга, аммо бу маъно фақат ифодаланаётган тушунча билан чегараланмайди (Д.П. Горьский, К.А. Левковская, А.С.Герд); 2) термин луғавий маънога эга ва бу маъно тушунчадир (Е.М.Галкина-Федорук, П.С. Попов); 3) термин луғавий маънога эга эмас, балки тушунчага тўғри келади (А.А.Реформатский, Л.А.Капаназе). Терминга қўйиладиган энг асосий талабларни биринчилардан бўлиб терминология соҳасининг асосчиси Д.С.Лотте ишлаб чиққан. Булар: *тизимлилик, контекстга боғлиқ эмаслик, қисқалик, бир маънолик, аниқлик, оддийлик, тушунарлилик*.

Э.Г.Петросянц берган маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда тилшунослик терминлари луғатлари, энциклопедия ва маълумотнома (справочник)ларнинг сони 70 дан ортиқ.<sup>7</sup> Бироқ адабиётшунослик терминларига доир луғат ва қомусий нашрлар нисбатан кам. Бу ҳолат адабиётшунослик терминлари етарли даражада ўрганилмаганлиги ва уларга доир маълумотлар муайян тизимга солилмаганлигини кўрсатади.

Адабиётшунослик терминлари ҳам ҳар қандай илмий терминология каби тушунчаларнинг оддий рўйхати эмас, балки семиологик тизимдир, яъни у тушунчаларнинг муайян тизимини ифодалайди ва айни пайтда маълум илмий дунёқарашни акс эттиради. Шунинг учун табиий тилда амал қилинадиган қонуниятлар терминологик тизимда ҳам ўз ифодасини топади. Тилшунослик терминологияси каби адабиётшунослик терминологияси ҳам рационал ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун доимо уни тартибга солиб туриш зарурияти мавжуд. Бунинг учун биринчидан адабий терминларни реал қўлланишда ўрганиш, иккинчидан уларни танлаш ва соҳавий изоҳли луғатларда хатлаш (кодификациялаш) ва изоҳлаш, учинчидан миллий терминологик тизимни икки ва кўп тилли терминологик луғатлар асосида қиёслаш. Қолаверса ҳар

<sup>6</sup> Protopopescu D. “Theories of terminology – past and present”. Studii și cercetări de onomastică și lexicologie SCOL 6 (1-2), 2013. p. 195-201

<sup>7</sup>Петросянц Э.Г. Лингвистическое терминополье: структура, семантика, деривация: на материале английского языка. – Пятигорск, 2004. – 187б.

қандай терминологик тизимнинг ҳаётийлиги, унинг тартибга солинганлиги, шакл ва мазмуннинг мутаносиблиги билан белгиланади.<sup>8</sup>

Адабиётшунослик маданий-маънавий соҳани маиший мулоқот соҳаси билан боғлиқликда ўрганади. Шунинг учун адабиётшуносликнинг илмий предмети, образи бадиий адабиёт тараққиётининг умумий қонуниятлари (адабиёт назарияси), адиблар асарлари таҳлили методлари (адабий танқид) ва адабий жараён тараққиёт тарихи (адабиёт тарихи)га берилган таърифлар билан асосланади.

Инглиз адабиётшунослигида терминлар тушунчаларни тўлиқ акс эттирмаётгани ҳақида кўп гапирилган. Масалан: 1942 йилда чоп этилган “Инглиз адабиёти назарияси” асари муаллифлари хос терминларни тартибга солиш зарурлиги ҳақида гапирганлар: “ренессанс”, “классицизм”, “романтизм”, “символизм” терминларига янгидан янги, кўпинча бир бирини инкор қилувчи таърифлар берилади... Пировард натижада бадиий асарни таҳлил қила бошлаганимизданок, ҳали методлардан самарали фойдаланиш кўникмалари шаклланиб улгурмасданок бу методларни назарий асоси мутассил ўзгариб боради.<sup>9</sup>

Шунингдек, адабий терминларнинг турлича талқин қилиниши адабиётшунослик ўрганадиган ҳодисаларнинг ранг баранглиги билан ҳам белгиланади. Натижада уларни узундан узоқ таърифламасдан тушуниш қийин бўлади. Биз тадқиқот объекти қилиб олган луғатда 1,5-2 бетгача берилган таърифлар кузатилади. Шундай ҳолатга биз “Адабиётшунослик луғати”да ҳам дуч келамиз. Бу ерда ҳам “романтизм” термини икки саҳифада изоҳланган. Инглиз тили адабиётшунослик терминлари луғатида ҳам ўзбек тили адабиётшунослик терминлари луғатида ҳам 1-1,5 қаторни ташкил қилган терминлар ниҳоятда кам. Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of literary terms” луғатини ўрганиш унда терминларни хатлаш тамойиллари, умуман, илмий аппаратнинг ўзи ҳам етарли даражада ишлаб чиқилмаганини кўрсатди. Мазкур луғатда соф адабий терминлардан ташқари умумилмий лексика (*climax, homology, meter*); турдош ижтимоий фанларга доир (*aesthetics, Hellenistic*); метадиалект, идеолект ҳали оммалашмаган неологик ва эскирган (*protagonist*); адабий давр, йўналиш, гуруҳ, тур, жанр номлари (*Angry Young Men, Chicago critics, Geneva school, beast epic, symbolism*); ўзига хос характер касб этган персонаж номлари (*Chaucerian stanza, Miltonic sonnet*); ўзлашма терминлар, асосан французча ва немисча (*oeuvre, parole, Knittelvers, Schauerroman*); лотинча фразалар (*dramatis personae, in medias res*) кўплаб учрайди.

Шунингдек, биз ўрганган луғатда тилшунослик, фалсафа, эстетика, мантик, санъатшунослик, руҳшунослик, этнография, социология, тарих, диншунослик, китоботга оид терминлари ҳам истеъфода этилган. Улар бизнингча адабий матнларни ўқиш ва тушунишни осонлаштириш учун қўлланилган бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг адабиётшунослик терминлари эканлиги мунозарали.

<sup>8</sup> Ахманова О.С. Терминология лингвистическая // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: “Советская энциклопедия”, 1990. – 509с.

<sup>9</sup> Welek R. A History of Modern Criticism. – Ldn, 1986.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бизнинг луғатимизда, юқорида айтилганидек, тилшуносликка доир терминлар ҳам бир талай. Шундай бўлиши табиий. Чунки бу икки фан бир бутун (филология)нинг икки палласидир.

Адабиётшунослик терминларини тадқиқ қилиш жараёни уларнинг луғатлардаги талқини ва тавсифланиши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Шу сабабли терминларни таҳлил қилишдан олдин диққатимизни авваломбор уларнинг манбаларига қаратишимиз лозим бўлади. XX асрга мансуб бир нечта инглиз адабиётшунослик терминлари луғатлари ҳақида тўхталиб, адабиётшунослик терминларини изоҳловчи ўнта луғат кўриб чиқилди. Уларнинг барчаси адабиётшунослик терминларини изоҳлашда тарихий-маданий аҳамиятга эга эканлигининг гувоҳи бўлди. Луғатларнинг таркиби ва кириш қисмларини кўриб чиққанимизда адабиётшунослик фани турли аспектларини тасвирловчи қуйидаги терминологик гуруҳларни аниқладик: адабиётшунослик мактаблари (*Literary criticism forms and terms*); адабиётшунослик жанрларини ифодаловчи терминлар; театр-кино терминлари; адабиётни турдош фан тушунчалари билан боғловчи терминлар (*literary allusions and references*); кундалик нутқда ишлатиладиган прозага оид терминлар (*prose terms and devices of everyday speech*); адабиётга хизмат қилувчи касбларни ифодаловчи терминлар (*terms of printers, grammarians, philologists and linguists*). Инглиз адабиётшунослик луғатлари таҳлил натижаларини жадвалда кўрсатишга ҳаракат қилдик. Ушбу жадвалдан юқорида кўриб чиққан луғатлардаги терминлар таркибини аниқ кўришимиз мумкин бўлади. Чунки уларнинг кириш қисми ва номланишидан замонавий ғарб терминологиясининг чегараларини аниқ белгилаб бўлмайди.

Луғатлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Терминологик Гуруҳлар										
адабиётшунослик мактаблари, оқим ва даврлар	+		+	+	+	+	+	+	+	+
адабиётшунослик жанрларини ифодаловчи терминлар	+	+						+		+
театр-кино терминлари			+	+				+	+	
адабиётни турдош фан тушунчалари билан боғловчи терминлар			+		+	+		+		
кундалик нутқда ишлатиладиган прозага оид терминлар	+						+			
адабиётга хизмат қилувчи касбларни ифодаловчи терминлар						+		+		

Юқоридаги жадвалдаги саккизинчи рақам остидаги луғат, яъни Крис Болдикнинг *The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms* луғатида

кундалик нутқда ишлатиладиган прозага оид терминлардан ташқари санаб ўтилган барча терминологик гуруҳимиздаги терминлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда уни кейинги таҳлилларимизнинг объекти қилиб олишни жоиз топдик. Муаллиф фикрича ушбу луғатни тузишдан асосий мақсад кундалик ҳаётда дуч келадиган адабиётшуносликка оид терминларни изоҳлаш эмас, балки тушуниш қийин бўлган, камдан кам дуч келинадиган терминларни талқин қилиш бўлган. Ушбу адабиётшунослик луғати талабалар учун керакли манба вазифасини ҳам ўтайди ва китобхонлар ўзларига керакли бўлган адабий терминларни изоҳи билан биркаликда осонгина топиб ишлатишлари мумкин. Луғат адабиётшунослик ва адабий концептларни тушунтириш учун йўлбошчи ёки адабиётшунослик терминларини каталоглаштириш учун хизмат қилмайди, балки бирор бадиий асарни мутолаа жараёнида ёки адабий-танқидий баҳс мунозаралар давомида ўқувчига шубҳа уйғотадиган, уни чалкашлаштирадиган мингдан ортиқ терминларни ёритиб бериш учун мўлжалланган. Муаллиф луғатни энциклопедик мукамаллик даражасига етказиш ўрнига бир қанча терминларни тушириб қолдиришни афзал билади. Масалан, одатий тилда учрайдиган: *anagram, biography, cliché*; бир кўрганда тушунарли бўлган: *detective story, psychological criticism*; ва умумий концептларни ифодаловчи кенг маъноли категориялар: *art, belief, culture* ва ҳоказолар луғатга киритилмаган.

Диссертациянинг **“Инглиз адабиётшунослик терминларининг таркибий-мазмуний таҳлили ва генетик асослари”** номли иккинчи боби “Инглиз адабиётшунослик терминларининг ясалиш усуллари”, “Инглиз адабиётшунослик терминларининг мазмуний таҳлили”, “Инглизча адабиётшунослик терминларининг генетик асослари” сингари уч фаслдан ташкил топган. Боб фаслларида адабиётшунослик терминларининг таркибий таҳлили, ясалиш усуллари, мавзуй гуруҳлари ва генетик асослари хусусида сўз юритилган.

Рус олими С.В. Гринев-Гриневиц фикрига кўра, атамалар термин-сўзлар (бир морфемали ва кўп морфемали) ва термин-бирикмалар (икки ва ундан ортиқ ўзакли лексемалар)га бўлинади. Ана шу таснифдан келиб чиқиб, адабиётшунослик терминларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: содда, ясама, кўшма ва мураккаб терминлар.<sup>10</sup>

Луғатимиздаги адабиётшунослик терминлари ясама: суффиксация, префиксация, парасинтетик, кўшма, синтактик (мураккаб) ва аббревиация ясалиш усуллари бўйича таҳлил қилинди. Суффиксация йўли билан ясалган адабиётшунослик терминлари сўз туркуми жиҳатидан икки гуруҳга: от сўз туркуми ва сифат сўз туркумига хос терминларга бўлинди. От сўз туркумига хос ясама терминлар 1060 тадан 444 тани, яъни 42% ташкил қилса, сифат сўз туркумлари 61 та терминни, яъни бор йўғи 6% ташкил қилди. Префиксация усули билан ясалган адабиётшунослик терминлари 142 тани, яъни 13% ни ташкил этди. Парасинтетик сўз ясалиши билан, яъни бир пайтнинг ўзида ҳам префикс ҳам суффикс қўшилиши натижасида ҳосил бўлган терминлар 95 тани, бу 9% ташкил қилди. Тадқиқотимиз жараёнида оз бўлсада луғатимизда

<sup>10</sup> Гринев-Гриневиц С.В. Терминоведение. – М.: Академия, 2008.

қўшма адабиётшунослик терминларига ҳам дуч келдик. Улар асосини икки ўзак, яъни икки мустақил маънога эга бўлган сўзлар ташкил қилади. Крис Болдикнинг *The Concise Oxford Dictionary of Literary terms* луғатида 10 та қўшма адабиётшунослик терминларини учратдик. Булар: *broadside, chapbook, choriamb, cyberpunk, flashback, folktale, leitmotif, limerick, screenplay, touchstone*. Кўриб турганимиздек, барча қўшма терминлар от сўз туркумига хос адабиётшунослик терминлари ҳисобланади.

Синтактик усул, яъни мураккаб терминлар 246 тани ташкил қилди. Улардан биринчи ўринда от таркибли мураккаб адабиётшунослик терминлари туради, улар терминларимизнинг 237 тасини ташкил қилди. Фақатгина 9 та терминимиз сифат таркибли мураккаб адабиётшунослик терминлари гуруҳига киритилди. *NN* таркибли қўшма адабиётшунослик терминлари 27 %, биринчи ўринни эгаллаган *AdjN* таркибли адабиётшунослик терминлари 55%, *NumN* - 1%, *NPN* - 7% луғатимиздаги от сўз туркуми адабиётшунослик терминларини ташкил қилди. Бундан ташқари, *NNN, AdjAdjN, AdjNN, NumNN, AdvAdjN* таркибли учта мустақил маънога эга сўзлардан иборат адабиётшунослик терминлари ҳам луғатимизда учради. Сифат таркибли мураккаб адабиётшунослик терминларининг морфологик таркиби хилма хиллиги билан ажралиб турмайди. Ушбу таркибли терминлар асосан *AdjAdj* таркибли бўлиб, таҳлилга тортган луғатимизда улар жуда кам учради ва фақатгина 2% ташкил этди: *collective unconscious, objective correlative, Scottish Chaucerians, transcendental signified*. Бундан ташқари *NAdj* таркибли мураккаб адабиётшунослик терминлари ҳам мавжуд ва улар ҳам луғатимиздаги терминларнинг 2% ташкил этди: *end-stopped, mock epic, mock-heroic, penny dreadful, rhyme royal*.

Луғатимиздаги 1060 та терминдан фақат тўрттасигина қисқартма терминлардир: *agitprop, Eng.Lit., proletcult, S&F*. Шулардан фақат иккитасини аналитик, яъни сўз ясалишининг аббревиация йўли билан ясалган терминларга киритишимиз мумкин, улар: *Eng.Lit., S&F*. Қолган иккитаси эса семантик сўз ясалишининг телескопия йўли билан ясалган: *agitprop, proletcult*. Телескопия сўз ясалиши икки мустақил сўзларнинг маълум қисмларининг бир бирига қўшилиши натижасида ясаладиган сўз ясалиш усули ҳисобланади. Луғатимиздаги мисоллар рус тилидаги сўзлар бирикмасининг қисқартирилиши натижасида ясалган: *агитация+пропаганда = agitprop, пролетар+культура = proletcult*.

Луғатимиздаги 1060 та терминларни биз адабий турлар бўйича мавзуй гуруҳларга бўлиб ўргандик. Эпик, лирик ва драматик адабий турлари бўйича тадқиқот объектимиздаги адабиётшунослик терминлари гуруҳларга ажратилди. Соф эпик адабий турга кирувчи терминлар 142 тани, лирик 329 та ва драматик 110 тани ташкил этди ва улар сабгуруҳларга ҳам бўлиниб ўрганилди. Кейинги изоҳга тортган терминларимиз учала адабий турга бир хил кирувчи терминлар ҳисобланади. Тадқиқот давомида биз шунга амин бўлдикки, ҳам лирика ҳам эпикага, ҳам эпика ҳам драмага ёки учала турга ҳам бир хил алоқадор терминлар мавжуд. Ушбу гуруҳга киритилган терминлар 330 тани ташкил қилиб, улар ҳам кичик мавзуй гуруҳларга бўлиниб ўрганилди. Тадқиқотимиз давомида шундай терминларга дуч



келдикки, уларни на поэтик, на прозаик ва на драматик терминлар мавзуий гуруҳига кирита олдик. Айтмоқчимизки улар биз ажратган мавзуий гуруҳларнинг ҳеч бирига тўғри келмади. Улар адабиётшунослик терминлари бўлишига қарамай, адабий турларнинг биронтасига мансуб бўлмай, улар адабиётшуносликдаги умумий тушунчаларни ифодалаб келади. Шунингдек, луғатимизда нафақат адабиётшунослик терминлари, балки тилшуносликка оид терминлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб биронта ҳам адабий турга тегишли бўлмаган терминларимиз 149 тани ташкил этди ва улар ҳам кичик мавзуий гуруҳлар бўйича тадқиқ қилинди.

